

Кадилова Гўзал Шухрат қизи  
ТошДШИ Жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлар  
кафедраси 1-курс таянч докторанти

## ИЛК РАДИКАЛ ИСЛОМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

**Калит сўзлар:** радикал ислом ташкилотлари, Миср, “Биродар-мусулмонлар”, Ҳасан ал-Банна, модернизм, ислом давлати, реформизм, биродарлик миссияси, дунёвий давлат, эркин давлат, Саййид Қутб, ислом императиви, ижтимоий адолат, фундаментал ислом, “Араб Баҳори”, ислом омили.

**Ключевые слова:** радикальные исламские организации, Египет, “Братья-мусульмане”, Хасан-аль Банна, модернизм, исламское государство, реформизм, миссия братьев, мировое государство, свободное государство, Саййид Кутб, исламский императив, социальная справедливость, фундаментальный ислам, исламский фактор.

**Key words:** radical islamic organizations, Egypt, “Muslim-brothers”, Hasan al-Banna, modernism, islamic state, reformism, brothers mission, world state, free state, Sayyid Qutb, Islamic imperative, social justice, fundamental islam, islamic factor.

**Аннотация:** Бугунги кунга келиб халқаро муносабатлар тизимида ислом омили ва унинг таъсири ортиб бормоқда. Ислом омили кучли ва реал сиёсий омиллигича қола туриб, жамиятининг ҳамма томонларига, шу жумладан давлатнинг ташқи ва ички сиёсати, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига кучли таъсир кўрсатмоқда. Бунда радикал ислом оқими ва ташкилотларининг ўрни ҳамда аҳамияти жуда катта. Радикал ислом оқими ва ташкилотлари ҳокимликка “ҳақиқий мусулмонлар” келиши учун зўравонлик ҳаракатларини фаол этишга чақиради. Ноконуний ислом ташкилотлари ва гуруҳларидан ташкил топиб, уларнинг кўпчилиги сиёсий зўравонликни амалга оширади. Кўпинча улар томонидан қўлланиладиган сиёсий зўравонлик шакли-террорчиликдир. Шу боис мақолада илк радикал ислом ташкилотларининг пайдо бўлиш тарихи ва уларнинг ривожланиш даври босқичма – босқич кенг ёритиб берилган.

**Аннотация:** На сегодняшний день наблюдается рост влияния исламского фактора на международные отношения. Исламский фактор, оставаясь сильным и реальным политическим фактором, оказывает глубокое влияние на все аспекты его общества, включая внешнюю и внутреннюю политику, экономическую и социальную жизнь государства. В этом огромное значение имеет роль радикальных исламских движений и организаций. Радикальные исламские движения и организации призывают к более активному насилию, чтобы привести к власти «настоящих мусульман». Они состоят из незаконных исламских организаций и групп, большинство из которых несут политическое насилие. Часто используемая ими форма политического насилия - терроризм. Поэтому в статье широко освещается история возникновения первых радикальных исламских организаций и период их развития.

**Annotation:** Today, the influence of the Islamic factor on international relations is growing. The Islamic factor, being a strong and real political factor, has a great influence on all aspects of society, including foreign and domestic politics, as well as on economic and social life. The place of Islamic movements and organizations has a great importance. Radical Islamic movements and organizations for the rise to power of “real Muslims” are calling for active violence. Islamic organizations and groups, most of them implementing political violence. Terrorism is often the form of political violence that is used. For this reason, this article widely describes the history of the emergence of Islamic radical organizations and the progressive period of their progression.

Биринчи радикал ислом ташкилоти илк маротаба Мисрда XX асрнинг биринчи чорагида пайдо бўлган. Унинг номи “Биродар-мусулмонлар” деб хаммага маълум бўлган.

“Биродар-мусулмонлар” (“Ал-ихвон ал-муслимин”) ташкилотининг асос топиши масаласида тўхталиб ўтадиган бўлсак, бу ташкилотнинг асосчиси шайх Ҳасан ал-Банна (1906-1949 й.) эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. У Қоҳирадан шимоли-ғарбда жойлашган Муҳаммадия шаҳрида туғилган. Унинг анъанавий диний таълим олиш жараёни отаси шайх Аҳмад ‘Абд ар-Раҳмон ал-Баннадан “мерос қилиб олган” модернизм руҳи билан суғорилган қарашларнинг таъсири остида шаклланган. Қоҳиранинг Дор ал-‘улум коллежида таҳсил олган даврида Ҳасан ал-Банна Рашид Ридо ва салафия ҳаракатининг тарафдорлари билан танишиб, дўстона муносабат боғлаган. “Ал-Манар” журналининг доимий мухлиси бўлган Ҳасан ал-Банна Жамол ад-Дин ал-Афғоний ва Муҳаммад ‘Абдо таълимотларининг “реформизм руҳи”ни ўзига ўзлаштирган. Аммо унга Рашид Ридонинг “ислом ислоҳоти”нинг сиёсий ва ижтимоий жиҳатлари, “ислом давлати”ни барпо этиш, исломнинг мукамаллиги ва исломда ғарбийлашишнинг хавфига оид ғоялари кучли таъсир этган. Бундан ташқари, Ҳасан ал-Банна дунёқараши унинг Мисрдаги исломий ташкилотлари (“Ахлоқий таълим жамияти”, “Амр ал-маъруф ва наҳий ал-мункар жамияти”) фаолиятида иштирок этиши туфайли шаклланиб борган. Чунки бу жамиятлар маънавий камолотга интилиш ва исломнинг ахлоқий тамойилларини шакллантиришга жиддий эътибор бериб, шу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширган<sup>1</sup>.

1999 йили содир бўлган Британияга қарши инқилобий ҳаракатда ҳам Ҳасан ал-Банна қарашлари маълум маънода таъсир кўрсатганлиги айтиш мумкин. Гарчи ўша даврда сўфийликнинг мистик амалиётига бутун вужуди билан берилиб кетган бўлса-да, бу ҳаракат ҳам сиёсий инқироздан четда қолмади. Ҳасан ал-Баннанинг тан олишича, сўфийлик уни бутунлай ўзига жалб этиб олганига қарамай, “мамлакат олдидаги бурч – муқаррар бурч, муқаддас уруш” эканлигига алоҳида ишонч билдирган. 1927 йилда ўқишни битириб, Ҳасан ал-Банна Исмоилиядаги мактаблардан бирида дарс беради. Исломга қайтиш орқали мусулмонлар “летаргия” ва таназзулдан уйғонишлари мумкин

<sup>1</sup>Ёвқочев Ш. Миср Араб Республикасида давлат ва диний институлар. –Т.: Академия, 2007. –Б.17.

деган фикрга қаттиқ ишонган ал-Банна диний тўғараклар ташкил қилиб, бутун диққат-эътиборини “исломнинг янгиланиши”га бағишлайди. Жозибадор шахс бўлган Ҳасан ал-Банна диний шижоат остида ишга киришиб, тезда ўз атрофида тарафдорларини тўплашга эришди ва ўтган асрнинг 20-йиллари охирида “Биродар-мусулмонлар” уюшмасини ташкил қилди.

Шунингдек, Сувайш канали ҳудудида Британия қамалининг оқибатларини ўз тажрибасидан ўтказган Ҳасан ал-Банна мусулмон мамлакатларига ғарбнинг ҳар қандай таъсирини, шу жумладан, ғарбийлашган мисрлик элитанинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ғарбона русумларини ўзлаштиришга интилишларини ниҳоятда хавфли ҳисоблаган. Рашид Ридо сингари Ҳасан ал-Банна “ғарбийлаштириш” Миср ва бутун ислом олами учун таҳдид солаётган аксарият сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг манбаи, шу жумладан, сиёсий тарқоқлик, ижтимоий тенгсизлик, диндан чекиниш ва “ғарбий материализм ва секуляризм ҳужуми”нинг асосий сабаби эканлиги тўғрисидаги ўз фикрларини билдиради. У “исломга қайтиш”ни инқироз вазиятидан чиқиш учун бирдан-бир нажот йўли, деб ҳисобланган. Модернизм тарафдорларидан фарқли равишда Ҳасан ал-Банна Ғарбдан бирон-бир илғор янгиллик ўзлаштириш имкониятларини инкор этиб, “исломнинг мукамаллиги ва бутунлигини сақлашга” таянган. У XIX асрдаги исломий тикланиш ҳаракати йўлидан борар экан, мусулмонларни “ислом тизими” учун ягона ва асосий манба ҳисобланган Қуръон ва суннани дастурамал қилиб олишга чақиради. Тадқиқотчиларнинг қайд этишича, “Биродар-мусулмонлар” ўзларини исломдаги ислоҳотчилик ҳаракатининг муридлари (тарафдорлари), мусулмон ислоҳотчиларини - ўз ғояларининг асосчиси, уюшмани эса – “бундан аввалги ҳаракатларнинг амалий тўлдирувчиси” деб билганлар<sup>2</sup>.

“Биродар-мусулмонлар” фаолиятининг дастлабки йилларида мусулмонлар ахлоқий комиллик ва ижтимоий ислоҳот масалаларига эътибор қаратиб, ўз ҳаракатига жуда кўп тарафдорларни жалб этганлар. Бунга мисол тариқасида айрим касалхоналарга моддий ёрдам кўрсатиб, масжид ва мактаблар қурганлари, маҳаллий ижтимоий клубларни ташкил этишга аҳамият берганларини келтириш мумкин. 40-йиллар охирида “Биродар-мусулмонлар” исломий ҳаракати бутун Миср бўйича 2 мингга яқин шўбага эга бўлиб, сафларига 5 мингга яқин аъзони қабул қилганлар. Шунингдек, хайрихоҳлик билдирган кишиларнинг сони ҳам шунга баробар бўлган. Уюшманинг турар жойдаги шўбалари одатда маданий-оқартув марказ, масжид, мактаб, клуб ёки кичкина ишлаб чиқариш корхонасидан иборат бўлган<sup>3</sup>.

1933 йилда Ҳасан ал-Банна ўз фаолияти Марказини Қоҳирага кўчиришга қарор қилиб, у ерда ўз ҳаётини уюшма ва “биродарлик миссияси”ни тарғиб қилишга бағишлади. У “Биродар-мусулмонлар” дастурининг кенг қамровли

<sup>2</sup>Қаранг: Хусейни И.М. Ал-ихван ал-муслимун кубра ҳарака ал-исламия ал-ҳадиса.-Бейрут,1952 (араб тилида). Цитата келтирилган: Милославская Т.Р. Деятельность “Братьев-мусульман” в странах Востока.Ислам в странах Ближнего и Среднего Востока.– М.: Наука, 1982.–С.8.

<sup>3</sup>Бу ҳақида қаранг: Sullivan D.J. Abed-Kotab Sana. Islam in Contemporary Egypt. Civil Society vs the State.- London Boulder, Lynne Rienner publishers, 1999.–158p.–P.24.

режасини тузиб, уни салафийларнинг мактуби, суннийларнинг йўли, сўфийларнинг ҳақиқати, сиёсий уюшма, атлетик гуруҳ, маданий таълим иттифоқи, иқтисодий ширкат ва ижтимоий ғоя”<sup>4</sup> сифатида таърифлайди.

Қоҳирада “Биродар-мусулмонлари журналы” номли (“Мажаллат ал-ихвон ал-муслимун”) матбуот органи таъсис қилиниб, у нафақат Мисрда, балки бошқа мамлакатларда ҳам биродарлик ғоясининг тарқалишида катта роль ўйнади. Уюшма тез орада филиалларнинг кенг тармоғига эга бўлган диний-сиёсий ташкилотга айланди, шўбалар эса кейинчалик яширин иш олиб борувчи “хужайра”ларга бўлинди. Жумладан, унинг аъзолари томонидан “исломни ҳимоя қилиш” мақсадида ўқув курси ва ғоявий тайёргарлик ўтилган. Уюшма аъзолиги ўзининг бирламчи ижтимоий база доирасининг ташқарига чиқиб, шаҳардаги ўрта синф вакиллари, шунингдек, ҳуқуқшунослар, судьялар, давлат ходимлари, ҳарбийлар ва талабаларни ўзига жалб қила олган эди. “Биродар-мусулмонлар” сиёсатга фаол аралашиб, айниқса, Британия ва Фаластинга қарши олиб борган хатти-ҳаракатлари билан танилганлар. Мисрда ислом давлатини барпо этиш уларнинг асосий мақсади бўлган.

1948 йилда Исроилга қарши подшоҳ Фаруҳ олти араб давлати билан ҳамкорликда бошлаб юборган “кичкина ғолибона уруш” халқнинг диққат-эътиборини ижтимоий-иқтисодий муаммолардан чалғитиш, миллий буржуазияни Мисрдаги яҳудий капитали тажовузининг олдини олиш “Биродар-мусулмонлар” фаоллигини эса ташқи сиёсат йўлига буриш ва уни “Вафд” партияси билан тўқнаштиришни кўзда тутган эди. Лекин араб-исроил уруши 1948 йили арабларнинг мағлубияти билан яқун топгани, монархия тузуми обрўсига путур етказиб, муайян маънода заифлаштирди.

Шу йилнинг декабр ойида вазият янада кескинлашиб, подшо Фаруҳ ҳукумати бир қатор зўравонлик ҳаракатларга, жумладан, Қоҳира полицияси бошлиғига суиқасд қилинишига жавобан уюшмани таъқиқлаб, унинг бир қатор раҳбарларини (Ҳасан ал-Баннодан ташқари) қамокқа олишга мажбур бўлди. Аммо уюшманинг ёш аъзоларидан бири Миср Бош вазири Нурашо-пошонинг ўлдирилганлиги муносабати билан биродарлик аъзолари яширин иш юритиш ёки мамлакатни тарк этишга мажбур бўлдилар. Баъзи маълумотларга кўра, 1949 йил 12 февралда Ҳасан ал-Банна махфий полиция томонидан “тинчитилган”.

Шунга қарамасдан Мисрда сиёсий ҳаёт яна ҳам кескинлашиб, дин ва давлат муаммоси долзарб ва муҳим бўлиб қолаверди. Бу муаммо ўша йиллари асосан “анъанавий популизм” ва “дунёвий плюрализм” ўртасидаги кураш шаклида ўз ифодасини топди. Мамлакатда бошланган иқтисодий қийинчилик, демографик ўзгариш, Буюк Британия билан муносабат кескинлашуви, Фаластин, Судан, араб давлатлари ўртасида янги муаммоларнинг вужудга келиши ҳамда эски сиёсий гуруҳлар таъсирининг пасайиши дунёвий қарашлар тизими ва таълимотнинг қонунийлигига путур етказётган эди. Давлат янги радикал диний-сиёсий ҳаракатлар томонидан нафақат қарши чиқиш, балки 1940-йилларда “Биродар-мусулмонлар” фаоллиги туфайли фуқаролар

<sup>4</sup>See: Esposito J.L. Islam and Politics. –Third edition. –SyracuseUniversity Press, 1984.–335p.–P.133.

урушининг хавфи сезила бошлади. Хукмронлик қилувчи дунёвий сиёсий элита икки ўт орасида қолганлиги боис диннинг давлат ишларига аралашувига қатъий қаршилик кўрсата олмас ва “дунёвий давлат” ғоясини ҳимоя қилишга қурби етмас эди. Бу ҳолат илгари мусулмон ислоҳотчиларининг тутган йўлига ўхшардики, улар ҳам на диний таълимотни тўлиғича ислоҳ қилиш ва на уни бирон-бир янги ғоя билан алмаштиришга уринмаганлар. Улар диний таълимот шу ҳолида ҳам янгиланиш ҳаракатига мос тушади, деган нуқтаи назарни маҳкам тутгани учун оқибатда мағлубиятга учрадилар. Мисрнинг бундан кейинги давридаги дунёвий сиёсатчилари худди шундай аҳволни бошдан кечирдилар. Камчилик шундан иборат эдики, эндиги сиёсатчилар жамиятнинг эҳтиёжи ва талабига мувофиқ келадиган дунёвий сиёсий тартибнинг янги тамойилини ишлаб чиқа олмадилар.

50-йилларнинг бошида ҳокимиятни қўлга олган “эркин зобит”лар ҳам дин ва давлат ёки дин ва сиёсат муаммосини тўлиғича бартараф этишни уддалай олмадилар. Аксинча, дин ва сиёсатнинг янада бир-бирига яқинлашишига мойиллик билдирдилар. 1956 йили Конституциясининг преамбуласида Июль инқилобининг дастури акс этган бўлиб, империализмнинг барча жиҳатларига барҳам бериш, феодализмни тузум сифатида тугатиш монополиялар ва давлат тизимидаги капиталистик таъсир устидан назоратни йўқ қилиш, қудратли миллий армиясини яратиш, ижтимоий адолатни ўрнатиш, мустақкам демократик жамият қуриш ва бошқа мақсадлар эътироф этилган<sup>5</sup>.

Шунга қарамасдан, 1956 йилдан бошлаб мусулмон диний судлари давлат суд тизимига киритилиб, мусулмон ва қибтий диний судларининг вазифа доирасига фуқаролик ҳолатининг ҳамма масалалари, яъни оила, никоҳ ва мерос муносабатларини ҳал қилиш зиммасига юклатилди. Шу йилнинг май ойида фавқулодда ҳолат бекор қилиниб, “Биродар-мусулмонлар” уюшмаси қайтадан тикланди. Бунда 1952 йилдаги Июль инқилобини дастлабки даврида қўллаб-қувватлаган уюшма аъзолари Г.А.Носирнинг ислом давлатини қуриш ва исломчилар билан ҳокимиятни бўлишиб бошқаришни истамаслигини кўриб, инқилоб раҳбарларидан юз ўгирдилар. Бу ҳолат исломчилар билан Г.А.Носир ҳукумати ўртасидаги низога сабаб бўлиб, 1954 йили президент ҳаётига суиқасд уюштирилганда бу низо янаям очик намоён бўлди. Шу тариқа ҳокимият исломчилар ташкилоти билан шиддатли курашни бошлаб юборди.

“Биродар-мусулмонлар”нинг ислом давлати тўғрисидаги қарашлари Ҳасан ал-Банна ҳамда Саййид Қутбнинг таъсирида шаклланди. Саййид Қутб ҳам Дар ал-улум коллежини тамомлаб, аввал мактаб ўқитувчиси, кейин эса таълим вазирлигида инспектор бўлиб ишлади. 1948 йили у “Исломдаги ижтимоий адолат” асарини нашр эттиргандан кейин икки йил АҚШда яшаб, унинг таълим тизимини ўрганди. Мисрга қайтиб, Саййид Қутб “Биродар-мусулмонлари”га аъзо бўлиб, унинг ғоявий раҳбарига айланди. У дин

<sup>5</sup>См.: Елистратова Т.А. причина победы радикального течения в египетской революции 23 июля 1952 г. //Арабские страны Западной Азии и Северной Африки (новейшая история, экономика и политика). (отв.ред. Б.Г.Сейранян, А.О.Филоник). –М., ИИИ и БВ и ИВРАН, 1997.–352 с.

тўғрисидаги бир қатор тадқиқотлар, 24 рисола ва жуда кўп мақолаларнинг муаллифидир. Унинг диний асарлари қаторида “Ислом”, “Бу ислом дини”, “Ислом - келажак дини”, “Йўл босқичлари”, “Қурон соясида” ва Қуръонга ёзган тафсирини келтириш мумкин<sup>6</sup>.

Дастлабки даврда Ғарб тараққиётига қизиққан Саййид Қутб 40-йилларда “ғарбийлашиш”дан бутунлай юз ўгиради. АҚШ сиёсати ва бу мамлакатда яшаган вақтда орттирган шахсий тажрибаси Ғарб тамаддуни таназзули, Америка ва Европа давлатларининг арабларга қарши олиб борган сиёсати унинг қарашларига катта таъсир кўрсатди. Саййид Қутбнинг ўзига хос кескин мулоҳазалари ва мақолалари уни уюшманинг раҳбарлик лавозимларидан бирига кўтарди ва ҳукумат диққат-эътиборини тортди. Натижада Саййид Қутб 15 йил озодликдан маҳрум этилди. У қамоқхона шароитида ўз фикр-мулоҳазаларини қоғозга туширишда давом этди ва бироз вақтдан сўнг Ироқ президенти Абд ас-Салом Ориф илтимоси билан озодликка чиқиб, бир неча ойдан кейин яна қамоққа олинди. Ҳокимиятга қарши фитна уюштиришда айбланган Саййид Қутб ва унинг икки тарафдори қатл этилди. Ҳасан ал-Банна сингари Саййид Қутб исломчилар томонидан “ислом уйғониши учун шаҳид кетган” деб улуғланади. Унинг асарлари ҳозирги замон Миср ва мусулмон оламининг бошқа мамлакатларида тарқалиб, исломчилар дунёқараши шаклланишига кучли таъсир кўрсатди ва замонавий ислом “ревайвализми”нинг асосий манбаига айланди.

Олдинроқ қайд этилганидек, Саййид Қутб нафақат Ҳасан ал-Банна таъсирида бўлибгина қолмай, балки фундаментализмнинг покистонлик мафкурачиси Мавлоно Мавдудининг (жиход, исломнинг инқилобий характери ва бошқа ғоялар) ғоявий жиҳатдан давомчиси бўлган, деган қарашлар ҳам мавжуд<sup>7</sup>. Аммо Саййид Қутб анча кескин ва радикал хулосаларга келди. Ғарбий сиёсий ва иқтисодий тизимга “ислом альтернативаси”ни яратиш имконияти, унинг тасавурида ҳамма мусулмон учун ягона бўлган “ислом императиви”га айланди. Бу тушунча замирида ҳар бир мусулмон бундай тизим учун ўлимга тайёр бўлиши керак, деган ғоя туради. Натижада у “Биродар-мусулмонлар” даги энг радикал руҳдаги ўз замондош ва тарафдорларига мурожаат қилган ва жанговор исломий ташкилотлар, жумладан, мисрлик “Тақфир ва-л-Ҳижра” ва “ал-Жиход”ларнинг шаклланишига кучли таъсир кўрсатганлигини тарихий ҳақиқат сифатида инкор этиб бўлмайди.

Ўтган асрда фаолият юритган Ислом тикланишининг илк тарафдорлари ва мусулмон модернистлари Ҳасан ал-Банна ва Саййид Қутб энг юксак камолот сифатида Муҳаммад пайғамбар ва хулафои рошидинлар даврида барпо этилган “ислом давлати”ни асосий мақсад ва намуна қилиб олганлар. Бу мафкурачиларнинг фикрича, шундан кейин бутун ислом олами таназзулга учраган, тарих давомида бундай “идеал давлат” барпо этилгани йўқ ва натижада мусулмон жамоаси ташқи таҳдид ва европалик колониализм

<sup>6</sup>Ёвқочев Ш. Миср Араб Республикасида давлат ва диний институтлар. –Т.: Академия, 2007. –Б.23.

<sup>7</sup>Хрестоматия по исламу. (Составитель и отв. Ред. С.М.Прозоров).-М.: Наука, ИФВЛ, 1994.–С.89.

таъсирида заифлашиб қолди. Ислом оламининг диний таълимот ва қарашларига исломий унсурларнинг кириб келиши натижасида ички таҳдид ва тарқоқлик вужудга келди. Бу эса, ўз навбатида, заифлашган ва инқирозга учраган ислом уммати ғарбий империализм учун “қулай ўлжа”, мусулмон халқлари эса сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ва ақлий жиҳатдан Ғарбга тобе бўлиб қолган.

“Биродар-мусулмонлар” ғоявий раҳбарининг фикрига қараганда, сўфийлик таълимоти ва қарашларига аралашган хурофот, ботил қарашлар ва бидъатлар натижасида ҳақиқий ҳидоят йўлидан узоқлашган. Ўрта асрларда дин кутқара олмаган диний уламолар ҳозирги замон оламининг талабларига жавоб беришга ожиздирлар. Мусулмон модернистлари ҳам “ғарбийлашув”га қаттиқ ёпишиб олганлари учун мағлубиятга учрайди: тараққиётнинг ғарбий моделларига «ислом альтернативаси»ни уйғунлаштириш мақсадида, ўша вақтнинг ўзида “Ғарбдан ўрганишга” ҳаракат қилганлар, яъни ғарбий тажрибани ўзлаштириш заруриятига мантиқий асос излаганлар. Бундан ташқари, улар бирор оммавий сиёсий ташкилотни барпо этмаганлар. Ниҳоят, Ҳасан ал-Банна ва Саййид Қутб замонавий мусулмон мамлакатларидаги дунёвий элита ва сиёсий раҳбарларни энг деструктив элементи сифатида ҳисоблаганлар, чунки улар сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотчиликнинг ғарбий тажрибасига мурожаат қилганлар. “Биродар-мусулмонлар” уюшмасининг аъзоси, Муҳаммад Ғаззолийнинг қайд этишича, “Мисрни исломдан ажратишга уринаётган фракция, аслида Европанинг беномус ахлоқи бузилган ўйинчи қўғирчоқлар ва қуллар гуруҳидир”<sup>8</sup>.

Шу билан бирга, “Биродар-мусулмонлар” Ғарбнинг ўзи тобора таназзулга учраётганини жамиятнинг юқори табақалари омманинг устидан назорат ўрнатиш мақсадида, парламент бошқаруви ва демократияни ўз манфаатларига хизмат қилувчи қуролга айлантганларини алоҳида қайд этганлар. Сиёсий ҳокимиятнинг марказлашуви “танланганлар” қўлида бойлик ва заҳираларнинг жамғарилиши билан давом этган, ғарбий демократия оммани иқтисодий эксплуатацияни нафақат тугатганича йўқ, балки коррупция ва ижтимоий адолатсизлик янада авж олишига замин яратган, десак хато бўлмайди. Шу жиҳатдан баҳо берадиган бўлсак, ғарбий секуляризм ва материализм ғарбий дунёсидаги диннинг мавқеини ва ахлоқий негизини ич-ичидан емирилишини келтириб чиқарди. Ниҳоят, Ғарб Фаластиннинг Исроил ҳарбий кучлари томонидан эгаллаб олинишини қўллаб-қувватлаб, “арабларга хиёнат қилди”.

Шунингдек, “Биродар-мусулмонлар” кейинги давр тараққиётидан хулоса чиқарган ҳолда ғарбий капитализм ҳам, “атеистик коммунизм” ҳам мусулмон дунёсига ёрдам беролмайди, деб ҳисоблаганлар. “Исломга қайтиш» ана шу “бўшлиқ”ни тўлдиришига қаттиқ ишонч билдирадилар. “Ислом альтернативаси” – бу “Аллоҳдан келаётган илоҳий кўриниш”; бу кўринишни юқоридан қабул қилган инсон “уни ўзлаштириши ва барча жиҳатларини эътиборга олган ҳолда татбиқ қилиши лозим”. Ҳасан ал-Банна ва Саййид Қутб

<sup>8</sup>Esposito J.L. Islam and Politics.– Third edition.–SyracuzUniversity Press, 1984.–335p. –P.136.

фикрича, ислом моделининг ҳаётга татбиқ қилиниши ҳамда Қуръон ва суннага қайтиш “исломий юксалиш”га асос бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги замон мусулмонларининг бирдан-бир вазифаси эса, “тараққиётнинг тўғри йўлига қайтиши”ни тўғри англаб, “ислом ерлари” ва “ислом бошқарувини” тиклаш учун ислом душманларига қарши “муқаддас жиҳод” олиб боришдан иборатдир. Уларнинг эътирофига кўра, исломнинг бундай уйғониши бутун оламда «исломнинг ўтмишдаги улуғворлигини» тиклашни келтириб чиқаради. Шу боис улар бошқарувнинг ҳар қандай бошқа шаклини ноқонуний деб ҳисоблаганлар. Шундай экан, мусулмонларга тегишли бўлмаган ерлар улар учун “муқаддас урушнинг мақсади» бўлса, ислом давлатининг қарор топишини истамаган мусулмонларни “кофир” деб ҳисоблаганлар.

Ғоявий нуқтаи назардан қараганда “Биродар-мусулмонлар” исломда дин ва жамият бир-бирига боғлиқ эканини алоҳида таъкидлаганлар. Кўриб ўтганимиздек, бундай эътиқод Аллоҳнинг тавҳидига<sup>9</sup> асосланган: “Бу дин зиёратгоҳларда одамлар Аллоҳдан бошқасига дуо-илтижо қилишлари учун келгани йўқ. Балки ҳаётни бошқариш ва унга раҳбарлик қилишни қўлга олган ҳолда намоз ўқиш ёки раҳбарлик қилиш билан кифояланиб қолмасдан, балки қонун-қоидаларни амалда қарор топтириш учун келган”<sup>10</sup>. XX асрда катта шов-шув уйғотган бу зотлар ғарбийлаштириш ва секуляризация ўрнига ислом тамойиллари ва қадриятларини етакчи ўринга қўйиб, “янгиланган” мусулмон давлатини яратиш ғоясини таклиф қилганлар. Саййид Қутбнинг фикрига кўра, ўтмишда мусулмон давлатини яратишни таклиф қилганлар. Ўтмишда мусулмон мутафаккир ва ёзувчилари, онгли кишилар ва ҳукумат Европа маданияти (цивилизация) тамойилларини кўкларга кўтариб, мақтаганлар ва ғарб турмуш тарзи, услуб ва одатларни ўзлаштиришда бошқаларга ибрат бўлганлар. Бугун замон ўзгарди-да “исломнинг тамойиллари, таълимоти ва йўлларига қайтишга даъват этаётган овозлар янграмоқда”, “тамомила исломлаштиришга муқаддима”<sup>11</sup> сифатида, замонавий ҳаётни бу тамойиллар билан яқинлаштириш лозимлигини ёқлаб чиқдилар.

Шу жиҳатдан қарасак, “Биродар-мусулмонлар”нинг бундай нутқлари араблар диққат-эътиборини ўзига тортмасдан қолмади. Исломчилар нафақат одамларнинг диний эътиқодига қарата, балки либерал миллатчиликка ишончлари анча заифлашиб қолган мисрлик элитанинг ҳис-туйғуларини ҳам кўзгашига уринди. Арабларнинг Фаластиндаги мағлубияти, АҚШнинг ёрдамида Исроил давлатининг барпо этилиши, Миср ҳукуматининг британияликлар тобелигидан қийинчилик билан қутулиши, Иккинчи жаҳон урушидан кейин Мисрдаги ишсизлик ва муҳтожлик, сиёсий коррупциянинг тарқалиши

<sup>9</sup>Аллоҳнинг ягоналиги ва ўзи яратганлардан устунлиги.

<sup>10</sup>See: Loboda L. Thoudhtof SayyidQutb: Radical Islam’s Philosophical Foundation. – AshbrookStatesmanship Thesis. – Ashbrook Center for Public Affairs, Ashland University.2004.–36 p. –P.8; Qutb, Sayyid. Islam: The Religion of the Future.– Kuwait, 1984. –P.19-20.

<sup>11</sup>See: Qutb, Sayyid. In the Shade of the Qur’an. – (Translated and Edited by AdilSalahi&AshurShamis). United Kingdom: The Islamic Foundation, 2000; Qutb, Sayyid. Islam: The Religion of the Future.-Kuwait: The Holy Koran Publishing House, 1984. –(Translated by Hamid Algar) Berkley: Mizan Press, 1981; Qutb, Sayyid. Social Justice in Islam.– (Translated by John B.Hardie& Hamid Algar). –New York: Islamic Publications Internationnal, 2000.



ғарбийлаштириш тарафдорлари бўлган мамлакатнинг аксарият сиёсатчи ва арбобларини ўз нуқтаи назарини қайта кўриб чиқишга мажбур қилди. 1940-йилларга келиб Мисрнинг маданий ҳаётида исломий руҳ ва рамзлар устунлик қила бошлади. Кўпгина ёзувчилар яратган асарларида пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в., мусулмон қаҳрамонлар образлари ва илк мусулмонларнинг ғалабасини улуғлаш мавзусига мурожаат қилдилар. Бундай шароитда “Биродар-мусулмонлар” мисрликларга сиёсий жиҳатдан яхши ташкил этилган оппозицион ҳаракатни тақдим этдилар.

Шу баробарида анъанавий ислом тушунчалари жаҳолатни (жоҳилия) “мусулмон бўлмаганлар” ёки ғарбийлаштириш тарафдори бўлган мусулмонларга нисбатан қўллаган бўлишса, исломни ғарбий капитализм ва коммунизмга альтернатива сифатида турган таълим ва ғоя маъносида тушунтирадилар.

“Биродар-мусулмонлари” озод қилиш “илоҳиётини” илгари сурган ислом инқилобига даъват этганлар<sup>12</sup>. Бу тоифанинг эътиқод қилишича, турмушнинг барча соҳаларида исломни қарор топтириш учун мусулмонлар нафақат “ғарбий христиан империализми”, балки мусулмон “ғарбликлар”га қарши муқаддас урушни бошлашлари лозим, чунки улар ҳам исломчиларнинг назарида жабрланувчилар, золимлар ва кофирлардан иборат бўлган. Шундай экан, “Мўмин-мусулмонлар - исломнинг ҳақиқий жангчилари” ислом ташкилоти атрофида ислом учун курашга бирлашишлари керак. “Биродар-мусулмонлар” замонавий мусулмон жамоатларини “ноисломий” ёки “исломга қарши” характерга эга эканлигини назарда тутиб, ўзларини ҳақиқий ва холис мусулмонларга етакчи бўлишлари зарурлигига қатъий ишонганлар. Орадан қанча вақт ўтиб, илк ислом даврида Маккадан Мадинага ҳижрат қилган мусулмонлар билан ўзларини қиёслаб, таъқибга учраган тақдирда улар ҳам замонавий “ноисломий” жамиятда яшаётганлари билан алоқани узишга мажбур деб ҳисоблаганлар. Шуниси қизиқки, курашнинг бундай “ўтиш даврида” исломчилар ўзларининг алоҳида жамоа ёки оилаларини барпо этиб, унга аъзо бўлиб кирганлар оммавий исломлаштириш жараёнининг ўзига хос “хужайра”, яъни бошланғич ташкилотини тузиб, таълим-тарбияга киришишлари ва ҳақиқий исломий дунёқарашни шакллантиришлари лозим.

“Биродар-мусулмонлари” шариатни тушинишда ҳам бир қанча хатоликка йўл қўйганларини кайд этиб ўтиш даркор. Уларнинг фикрича, мусулмонлар асосан тўртта сунний мазҳабларнинг қоидаларига риоя қилиб яшашлари мажбурий эмас, чунки бу мазҳаблар маълум бир шароит билан чекланган бўлиб, бу масала қайтадан кўриб чиқилиши мумкин. Саййид Қутб шариатнинг ўзгариш тамойиллари билан фикҳий китобларда мавжуд бўлган тартибга солиш тизим ўртасидаги чегарани фарқлаш кераклигини таъкидлаган ҳолда, бундай тартиб-қоидалари ўзига хос шароит ва вазият тақозосига кўра айрим фикҳшунослар томонидан тузилганлигини маълум қилади. Унинг фикрига кўра, ҳақиқий янгилашни анъанага кўр-кўрона риоя қилиш эмас, балки жамиятнинг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ шариат қоидаларининг янги

<sup>12</sup>See: Esposito J.L. Islam and Politics. – Third edition. – Syracuse University Press, 1984. – 335p. – P.139.

талқинидир. Шундай қилиб, ислом фикҳи ўз моҳиятига кўра, абадий ва универсал бўла туриб, бундан кейинги ривожланиш учун мойил ва очиқ қолмоқда.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, “Биродар-мусулмонлари” ҳаракати аслида исломнинг “ўзгармас” тамойилларига қайтишга даъват этиши маъносида фундаменталистлар деб ҳисобланиши мумкин. Лекин уларнинг давлат ва ҳуқуқ концепциясида муайян тарихий шароитларга мувофиқ ҳозирги замон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа муаммоларни ҳал қилишга қаратилган махсус тизимлар, институтлар ва қонунларни амалга татбиқ этиш заруриятига катта эътибор берилади. Мазкур ташкилот учун “ислом тизими” дея тан олинган мусулмонларнинг дастлабки жамоаси моделини “такрорланиш” билан чекланиб қолмасдан, балки бошқа жуда кўп моделларни яратишга имкон берадики, бу моделлар жамиятнинг табиий ривожини ва ҳозирги замоннинг янги эҳтиёжларига жавоб беради, деган фикрни ёқлайдилар. Шундай қилиб, “Биродар-мусулмонлари”нинг ғоявий раҳбарлари ислом давлатининг аниқ ва муфассал шаклига кам эътибор қаратганлар, тўғрисида, улар бундай давлатнинг асосий тамойилларини белгилаб берганлар, холос. Ислом давлати тўғрисидаги баҳс-мунозаралар асосан назарий характерга эга бўлиб, уларда амалий ҳулосалар эмас, балки ахлоқий идеализм асосий ўрин тутди.

Ўша даврдаги Миср давлатида ўзларининг бу ҳаракатини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш ва халқ оммасининг қўллаб-қувватлашидан умид қилган ҳолда миллий раҳбарлар диний рамзлар ва тилга мурожаат қилишни давом эттирганлар. Чунончи, Г.А.Носир араб дунёсида ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва шу вақтнинг ўзида “Биродар-мусулмонлар” ҳаракатини заифлаштириш мақсадида мисрлик миллатчилик доирасини умумараб даражасигача кенгайтиради ва буни ягона араб-исломий мерос деб асослайди. “Ал-Азҳар” ислом университети ва Ислом ишлари бўйича Олий кенгаш (ИИОК) устида ўрнатилган давлат назорати Г.А.Носир томонидан араб социализми ва сиёсий ислоҳотлар мафкурасини илгари суриш учун фойдаланилган. Хусусан, “ал-Азҳар” томонидан ислом ва араб социализмининг бир-бирига мос келишини асослаб берувчи фатво чиқарилган. Масалан, “Ал-Азҳар” ректори Маҳмуд Шалтутнинг (1892-1963) маърузаларида ислом билан социализмнинг бир-бирига тўла мослиги таъкидланиб, ислом нафақат дин, балки “жамият барқарорлигини таъминлаш мақсадида инсоний муносабатлар ва ижтимоий ишларни” тартибга солувчи тизим, деган фикрни билдиради. Маҳмуд Шалтут Қуръонга таяниб, ундан ер ислоҳоти ва национализация фойдасига бир қанча диний далиллар келтирган: “Агар дунёвий мулк Аллоҳнинг мулки бўлса, - бундай бойлик хусусий шахс билан боғланган тақдирда ҳам Аллоҳнинг барча бандаларига тегишли бўлиши лозим ва ҳамма ундан фойда олиши даркор»<sup>13</sup>. Диний доиралар томонидан аҳоли орасида туғилишнинг ўсиши ва бошқа ислоҳотлар устидан назорот бўйича ҳукумат дастурини қўллашга оид фатволар чиқарилган. Ислом ишлари бўйича Олий

<sup>13</sup>See: Esposito J.L. Islam and Politics.—P.129.

кенгаш бу қарорни араб социализми тўғрисидаги “исломдаги социализм”, “ислом таълимоти руҳидаги араб социализми” каби ҳукуматнинг манфаатларига хизмат қилувчи бир қанча мақолалар орқали билдириб, ўзига қарашли “Минбар ал-ислом” журналида ҳам эълон қилинган. “Минбар ал-ислом” социалистик мафқуранинг асосий концепцияларини ислом тамойилига таянган ҳолда баён қилишда “энг муҳим уриниш” бўлганлигини айтиб ўтади.

Шуниси эътиборга молики, араб социализмини қонуний тус олишида исломдан фойдаланиш Г.А.Носирнинг ташқи сиёсатида муҳим қурол вазифасини бажарган. Чунончи, Миср ва Саудия Арабистони ўртасида авж олаётган рақобатда исломнинг жиддий аҳамият касб этиши аниқ эди. Чунки саудиялик подшо Файсал ундан араб социализмининг ғоясини қоралаш ва панисломизм таъсирини қарор топтиришда фойдаланган. Саудиялик уламолар социализмни танқид қилувчи фатвони эълон қилганларида, Г.А.Носир араб социализми исломнинг бағрида илдиз отганлигини шундай деб изоҳлаган: “Ислом социализмга чорлаётган, ...тенгликка даъват этаётган биринчи диндир”. Ўзининг ички ва ташқи сиёсатини қонунийлаштиришда ҳукуматнинг ислом омилидан фойдаланиши Миср жамиятида исломнинг таъсири ва аҳамиятини эътироф қилинишига асос бўлиб хизмат қилди, десак янглишмаймиз. Шу билан бирга, социалистларнинг “ислом йўналиши” мамлакат исломчилари томонидан, биринчи навбатда “Биродар-мусулмонлар” томонидан 1965 йили қабул қилинган. Исломчиларга қарши кураш чоралари кўпчилики “Биродар-мусулмонлар” ҳаракатининг тугатилганига ишонтира олди. “Биродар-мусулмонлар”нинг сиёсат майдонида обрў-эътибор қозониши ва Мисрда ўз нуфузини тиклаб олишига мамлакат ҳудудидан ташқарида, яъни бутун ислом оламида таъсирининг кучайишига унчалик ишонилмаган. Лекин ҳокимиятнинг исломчилар уюшмасига қарши кураши жуда суст бўлиб, ташкилотни бутунлай тугата олмасди. Бу эса “Биродар-мусулмонлари”нинг ва халқаро майдондаги обрў-эътибори ва мавқеи ошишига сабаб бўлди..

“Ал-Аҳрам” номли сиёсий ва стратегик тадқиқотлар марказининг мисрлик мутахассисларининг бу ҳақда қайд қилишларича, “сиёсий ислом ва у билан боғлиқ бир қанча ҳодисалар кейинги ўн йилликлар давомида Мисрдаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётининг кўзга ташланиб турадиган ўзига хос хусусияти бўлган”<sup>14</sup>.

1952 йил 23 июлдаги инқилобдан сўнг дин ҳукмронлик тузум сиёсатини қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тута бошлади. Бироқ сиёсий партияларнинг заифлиги ва улар ўртасида соғлом рақобатнинг йўқлиги вакуум ҳосил бўлишига олиб келди, у диний сиёсий ташкилотлар билан тезда тўлдирилди ва 60-70-йилларда ислом омилининг кенг тарқалишига олиб келди.

Мисрда исломнинг янада кучайиши қуйидагиларда намоён бўлди:

- ҳажж қилувчи шахслар сонининг кўпайиши, хусусий намозхоналар ва масжидлар қуриш анъанавий мусулмон кийимини кийиш;
- нашр этилаётган диний ва тарғибот босма маҳсулот ҳажми кўпайиши;

<sup>14</sup>Abdel-Fattah Nabil, RashwanDiaa (Eds.) The State of Religion in Egypt Report. –Cairo, Centre for Political and Strategic Studies, 1995-1997.–32p. –P.5.

- диний радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар сонининг кўпайиши;
- бошланғич ва ўрта ўқув муассасаларида диний фанларни ўқитиш учун ажратиладиган соатлар сони оширилиши;
- Қуръон, ҳадислар ва шариатни ўрганишга йўналтирилган ўзига хос шахсларро гуруҳларнинг фаолланиши ва тарқалиши;
- диний жамоалар ва ташкилотлар томонидан ҳайр-эҳсон фаолиятининг кенгайиши.

Ушбу тенденцияларнинг табиий ривожини Мисрда иккита бош асосга таянадиган исломийлик мафкурасининг кенг тарқалишида акс этди. Биринчи асос мазмуни шундайки, ислом ҳуқуқи шариат, Оллоҳ иродаси билан, инсон ҳаётининг барча аспектларини тартибга солувчи узвий ва бир текис шахсий, ижтимоий ва сиёсий тизимини таъминлайди. Иккинчисининг мазмуни шундаки, “ҳақиқий мусулмонлар” жамияти сиёсий ташкилот ислом қонунларига таянганидагина ҳаётини бўлиши мумкин. Бунинг маъноси шундаки фақат тизим мусулмон бўлиб қолмай, балки қонунчилик бошқарув усуллари ва воситалари ҳам шариат талабларига асосланиши лозим.

Бу ғоянинг ривожланишига А.Содат ҳукуматининг исломий кучлар билан яқинлашишга тутган йўли ёрдам берди. Мазкур сиёсатнинг оқибатида 1979 йилда Халқ Мажлиси (МАР парламенти) томонидан МАР Конституциясининг иккинчи бандига махсус ўзгартириш киритилди. Бу ўзгартириш исломни давлат дини деб, шариатни эса-қонунчилик манбаи деб эълон қилди.

Натижада Мисрда кучли ислом муҳолифат ҳаракати пайдо бўлди, у “исломнинг фундаментал принциплари” қайта тикланиши тарафдори бўлиб, “ижтимоий адолат” ҳақидаги шиорларга таянди. Мусулмон шиорлари билан чиққан бу кучлар “ҳақиқий ислом” ва “ислом давлатчилигини” қайта тиклаш учун курашни фаоллаштирдилар. Исламийлик жамоат ривожланиш жараёнларини аввалги ёки “фундаментал ислом” мезонлари ва ақидаларига мос қилишга интилувчи оммавий диний сиёсий ҳаракат мафкурасига айланди.

Давлатнинг ислом муҳолифат ҳаракати билан қарама қаршилиги 60-70-йилларда бу ҳаракатнинг радикаллаштирилиши ва ундан экстремистик оқимлар ажралиб чиқишига олиб келди. Бундай шароитда “ислом халафалигини тиклаш” мусулмон давлатининг асоси сифатида ислом назариячилари С.Қутб ва А.Маудудийларнинг назарияларида кенг тарғиб этилди. Улар “одил мусулмон жамияти” деб аталувчи жамиятни ва радикал ислом оқимининг мафкурасини тузишнинг асоси ва пойдевори бўлиб қолмоқда.

Радикал ислом оқими хоқимликка «ҳақиқий мусулмонлар» келиши учун зўравонлик ҳаракатларни фаол этишга чақиради. Ноқонуний ислом ташкилотлари ва гуруҳларидан ташкил топиб, уларнинг кўпчилиги сиёсий зўравонликни амалга оширади. Уларга жумладан, «ал-Жиход ал-Исламий» («Муқаддас уруш»), ал-Жамоа ал-Исламия («Ислам жамоаси») ва ат-Такфир вал-Хижра («беҳудоликда айбланиш ва кетиш») <sup>15</sup>.

Кўпинча улар томонидан қўлланадиган сиёсий зўравонлик шакли-террорчиликдир. Террор объектларига хорижий сайёҳлар ва туристик

<sup>15</sup> Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари//–Т.: ТИУ, 2005. –Б.88.

муассасалар, шунингдек давлат ҳодимлари ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларининг вакиллари кирадилар. 1997 йил ноябр ойида Мисрнинг йирик маркази-Луксорда «ал-Жамоа ал-Исломия» радикал ислом ташкилоти томонидан ҳорижий сайёҳларга қарши террористик ҳужум уюштирилди бунинг натижасида 63 нафар киши қурбон бўлди. Ислом омилининг кучайиши ва радикаллаштириши ҳозирги вақтда Миср жамиятида энг ҳавфли ва беқарорлик жараёнидир.

Ҳокимият томонидан кўрилаётган чора тадбирларга қарамай мамлакатнинг баъзи бир ҳудудларида радикал ислом тарафдорлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида қуролли тўқнашувлар давом этмоқда. Ҳокимият мамлакатда назорат сақламоқда бироқ бу ҳавфли ҳодисани узил-кесил бартараф эта олмаяпти. Кейинги вақтда Миср ҳокимиятининг ислом радикалларига қарши ҳаракатларида бирмунча ўзгариши юз бера бошлади. Бу ҳокимиятнинг диний экстремизм муаммосини фақат куч ишлатиш усули билан ҳал этиб бўлмаслигини тушунишида ўз ифодасини топмоқда. Эҳтимол, шу сабабли Миср ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари диний экстремистлар қамоқ тизимини юмшатиш ва режавий қамоққа олишларни тўхтатишга ўтадилар.

2005 йилдаги парламент сайловларда “Биродар-мусулмонлар” турли яширин йўллари билан ўзининг 80 тадан ошиқ вакилларини киритган эди. Бу эса Миср куйи парламентининг 20% ташкил этган. Ўшандаги президент Хосни Муборак турли юридик йўллар билан сайёловлар натижаларини бекор қилишга уринган. Жамиятдаги товланиб турган норизочилик ва норозилик кайфиятлар тобора ошиб келмоқда эди. Бу бузғунчи энергияни қўйиб олиш фақат 2012 йилда муҳолифатчилар томонидан амалга оширилди. АҚШ томонидан қўллаб қувватланган “Араб Баҳори” рангли революциялар Шимолий ва Яқин Шарқ бўйлаб айланиб юрди.

2012 йилнинг ёз кунларида Мухаммад Мурси номи остида маълум бўлган “Биродар-мусулмонлар”нинг юқори поғонадаги мулозимларидан бири Мисрнинг янги Президенти этиб тайинланди. У бир йил ичида ҳуқумдорлик қилган эди лекин халқнинг ишончини оқлай олмай, тўнтаришга дуч келди.

Шунинг билан, бу ташкилот ярим аср давомида ҳокимиятга интилиб, ҳокимиятни қўлга олиб, уни ушлаб қола олмади.

Ислом МАРда кучли ва реал сиёсий омиллигича қола туриб, Миср жамиятининг ҳамма томонларига, шу жумладан унинг ташқи ва ички сиёсати, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётларига кучли таъсир кўрсатмоқда.